

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

РАХМОНОВ АЗИЗ ИСКАНДАРОВИЧ

СамИСИ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқитувчиси

Тел: +998 93 357 39 39

E-mail: rahmonovaziz1983@gmail.com

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион фаолият, инновацион инфратузилма, тадбиркорлик, инновацион тадбиркорлик, иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, стратегия.

Аннотация

Мақолада инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва енгилликлар бериш механизмини такомиллаштириш бўйича ривожланган АҚШ, Германия, Япония ва Хитой каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Жаҳонда инновацион-технологик тараққиёт шароитида иқтисодиётни реал секторининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш ва инновациялар очиклигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йил маълумотларига кўра “Инновацион иқтисодиёт индекси Жанубий Кореяда - 90,49, Сингапурда - 87,76, Швейцария - 87,6, Германияда - 86,45, Швецияда - 86,39, Данияда - 86,12, Исроилда - 85,5, Финляндияда - 84,86 ва Нидерландияда - 84,29ни ташкил этмоқда”¹. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарининг инновацион фаолиятини янада ривожлантириш, инновацион фаолликни янада жадаллаштириш ва мазкур тадбирларни молиялаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш учун инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели давлатнинг бевосита аралашуви орқали яратилади. Инновацион модель ишлаб чиқаришда илмий техник билимлар ва янги технологияларнинг кенг қўлланилиш ҳолатини назарда тутди.

Дунёдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи мамлакатларининг барқарор ривожланишига иқтисодиётнинг реал секториди инновацион

¹<https://www.statista.com/chart/19312/most-innovative-economies-in-the-world/>

жараёнларни кенгайтириш асосида эришилган.

У ёки бу мамлакатнинг давлат инновацион сиёсати, одатда маълум назарий моделнинг акс эттирилиши бўлибгина қолмай, балки у турли йўналишдаги тадбирлар жамланмасидир, бунда миллий инновация сиёсатлари туб ўзигахосликка эканлигини таъкидлаш мумкин. Глобализациянинг ҳозирги босқичида турли мамлакатлар инновацион сиёсатида қуйидаги муҳим йўналишлари мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳон мамлакатлари миллий инновацион сиёсати йўналишлари²

Инновация сиёсати йўналишлари	Ўзига хослиги	Мамлакатлар
Миллий инновация тизими таркибини оптималлаштириш	Инновациялар соҳасида давлат бошқарув ва режалаштириш тизимини оптималлаштириш.	Япония, Норвегия, Германия.
	Фанни давлат томонидан молиялаштириш ва инновация соҳасини оптималлаштириш.	АҚШ, Швеция, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Тайван, Австралия.
	Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш.	Буюк Британия, Швеция, Словения.
Мамлакат ичида бизнес ва фан – инновацион кооперациясини рағбатлантириш	Фан ва корпорацияларнинг симметрик яқинланишини рағбатлантириш.	АҚШ, Финляндия.
	Фан ва логистик инновацион соҳага йирик давлат кўйилмалари ва миллий хусусий капитални жалб қилиш.	Исроил, Финляндия.
	Инновацион соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилувчи хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш.	Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Исроил.
	Илмий секторнинг логистик инновацион ташаббусини рағбатлантириш.	Германия, Япония, Дания.
Халқаро инновацион тизимларга интеграциялашув	Мажмуавий интеграция.	Финляндия, Исроил, Хитой.
	Технологик ихтисослашув.	Корея, Сингапур, Тайван, Ҳиндистон.
Ички инновацион тизимларни йўлга	Инновацион логистика соҳасида алоқаларни ташкил этиш учун алоҳида шароитларни	АҚШ, Норвегия, Ирландия.

²Карриева Я.К. Инновацион логистика. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT, 2019, 72-бет.

қўйиш	яратиш.	
	Миллий минтакалар ташаббусларини рағбатлантириш.	Франция, Германия, Финляндия.
Миллий инновацион тизимни шакллантириш	Фаннинг давлат сектори таркибиниқайта ўзгартириш.	Болгария, Полша, Литва.
	Фан ва таълим интеграциясини фаоллантириш.	Латвия, Эстония, Чехия.
	Инновацион логистикани бизнес соҳасига жалб қилиш.	Руминия, Чехия, Словакия, Туркия
	Юқори технологиялар соҳасидаги устувор экспорт йўналишларини аниқлаш.	Чехия, Руминия, Чили, Туркия.

Замонавий иқтисодиёт инновацион фаолият самарадорлигини таъминловчи механизмлар мажмуасига эга бўлиб, улардан бири фаол тадбиркорлик ҳисобланади.

Бунинг учун тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан илмий тадқиқот, инновацион фаолият ривожланишининг узвийлигини таъминлаш лозим. Хусусан, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналиши асосида қўриладиган чора-тадбирлардан бири инновацияларни молиялаштириш масаласига қаратилган.

Мамлакатда инновацион салоҳиятни ошириш эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлиб, натижа соҳанинг инновацион фаоллиги ошишига ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга олиб келади. Шу сабабли, тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаоллиги давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Бу ҳолатни хориж мамлакатлар мисолида қарайдиган бўлсак, Германияда кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш, уларнинг илмийтехникавий ишланмаларини рағбатлантиришга қаратилган давлат дастури мавжуд. Мазкур дастур доирасида кичик бизнес субъектларига 1 миллион еврогача бўлган миқдорда 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит берилади, бунда дотация миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача қисмини ташкил этади³. Бундан ташқари, қатор ривожланган мамлакатлардаги каби Германияда ҳам кичик бизнес субъектлари фаолиятининг ривожланишига қўмаклашувчи дастурларидан фойдаланиб келмоқдалар. Бунда асосан ишлаб чиқаришнинг фан сиғимли тармоқларини устувор қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига нисбатан илмий-техника сиёсатини ривожлантириш концепцияси» ва «Ўз ишини очиш учун жамғармаларни рағбатлантириш» каби дастурлари бевосита шу соҳани рағбатлантириб боради ва фаолиятини янада ривожланишига амалий ёрдам беради.

Хитойда эса бу боради «Ресурс сиғимли ишлаб чиқаришларни юқори технологияли тармоқлар томонига қайта йўналтириш» қондасига кўпроқ жавоб беради ва инновацион технологияларни ўзлаштиришда фаол қатнашиб, янги ишчи ўринларини яратади.

Сингапурда кичик бизнес субъектлари фаолиятининг фаол даражада ривожланишига

³Рўзиева Д.И. Кичик бизнесни инвестициялаш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. <https://cyberleninka.ru/article/n/kichik-biznesniinvestitsiyalash-b-yicha-horizh-tazhribasi-va-uning-ziga-hos-hususi>

мамлакатда қулай инвестиция муҳитнинг яратилган бўлиб, шу соҳада хизматлар турларининг замон талаби даражасида ривожланганлиги ва бунда мамлакат аҳолисининг 70-80% гача бандлиги ва соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли, бугунги кунда Сингапур тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича 5-ўринни эгаллаб келмоқда ва ҳ.к.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик корхоналар катта корхоналарга қараганда 4 баробар кўп инновация, ғоялар яратади ёки илмий тадқиқотга сарфланган ҳар бир долларга кичик инновацион корхоналар катта корхоналарга қараганда 2,5 баробар кўп маҳсулот яратадилар.

Замонавий иқтисодиётда самарадорликни ошириш йўллари кўп бўлиб, улардан бири бу венчур тадбиркорлик ҳисобланади.

“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурининг 135-бандида тадбиркорлик ва инновацион соҳадаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш учун венчур фондлар, венчур компаниялар ва инновацион корхоналар фаолиятини тартибга солиш билан бир қаторда венчур лойиҳаларни суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланган⁴.

Халқаро тажрибада венчурли бизнесда дастлабки босқичлардан оқ юқори таваккалчилик хатари мавжуд бўлиб, инвестициялаштирилган жараёнларнинг якуний натижалари амалга оширилгандан кейин ижобий самарага эришилмаса молиялаштирилган маблағдан ажралиб қолиш мумкин.

Венчур сўзи бу хатар деган маънони билдиради. Мисол учун, бирон-бир янги, инновацион ишлаб чиқаришни амалга оширишда молиявий, бозор, техник, нарх билан боғлиқ хатарлар мавжудлиги сир эмас. Венчурда янги, ҳали тажрибадан ўтмаган ва кенг оммалашмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда молиявий маблағларнинг етишмаслиги, маҳсулот ёки хизматга бозор талабининг етарли бўлмаслиги, техник таъминотда номувофиқликларнинг вужудга келиши, белгиланган нархларнинг ўз сарфхаражатларини қоплай олмаслиги каби хатарлар юзага келиш эҳтимоли нисбатан юқори бўлади.

Натижада, бундай фаолият билан барча тадбиркорлар ҳам бирдек шуғулланишни истамайдилар. Бироқ, венчур тадбиркорликнинг ўзига хос томони шундаки, у жуда катта хатар билан боғлиқ бўлсада, муваффақиятли амалга ошган чоғда бошқа бизнес фаолиятларига нисбатан жуда катта фойда келтириши мумкин. Бу эса хавф-хатарга боришга тайёр бўлган венчур тадбиркорлар ҳамда уларни молиялаштирувчи венчур фондларнинг пайдо бўлишига имкон яратади.

Венчур инвестиция тадбиркорликни инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг манбаи бўлиб, унинг муқобил шакли сифатида намоён бўлади. У дастлаб XX асрнинг ўрталари 50 йилларида АҚШ да пайдо бўлди ва бутун Европага кенг тарқалди.

Венчур инвестиция молиявий инструмент сифатида хавфли бўлса ҳам одатда юқори даромад келтиради. АҚШ нинг охириги 20 йиллик натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бу инвестициялар энг самарали ҳисобланади. Унинг ўртача даромадлилиги 19 % ни ташкил қилади.

АҚШда 1996 йилдан 2004 йилгача бўлган тарихий даврида умумий инвестиция ҳажми 307,24 миллиард долларга тенг бўлган 35531 иновацион лойиҳа амалга оширилди ва ўртача инвестиция

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.

8,65 миллион долларга етганлигидан келиб чиқиб, Европада кичик инновацион лойиҳаларга венчур инвестицияларни жалб қилиш жадал суръатлар билан ўсишни бошлади.

Венчуртадбиркорликҳархилсаноаттурларидаучрайди, шужумладанхизматкўрсатишсоҳасидаҳам. Аммо венчур инвестицияларнинг катта қисми одатда таваккалчилиги юқори бўлган технологиялар саноатига йўналтирилади. Шунга қарамай АҚШ (охирги 20 йилда энг катта венчур капитал бозори) статистик маълумотларига кўра венчур инвестициялар юқори даромадли ҳисобланади. Уларнинг ўртача даромадлилиги 19 фоизни ташкил этади. Мамлакатлар миқёсида венчур капитал салмоғини қараб чиққанда, АҚШ ва Канада биргаликда жаҳоннинг 60 фоиз венчур капиталини, Европа 25 фоиз, Осиё 9 фоиз, Африка 2 фоиз, Латин Америка ва МДХ давлатлари 1 фоизни жалб қилади. Шу билан бирга венчур капиталининг ҳажми ва тузилиши мамлакатда инновацион иқтисодиёт шаклланишига кучли таъсир ўтказди.

Америка инновацион моделига хос хусусият бу давлат томонидан қўллаб-қувватланганидан кичик венчур корхоналарини ривожлантириш ҳисобланади. Илмий-техник тадқиқотларнинг олиб борилиши ва сотилиши давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади. Америкада хусусий кор-хоналарнинг инновацияларни яратишдан олинган даромади учун солиқ юки паст ҳамда бу корхоналар учун қўшимча имтиёзлар мавжуд.

Япония фан ва технологияларнинг ривожланиши бўйича АҚШдан кейин жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Японияда ҳам 1980 йилларнинг ўрталаридан таркибида венчур капитали бўлган кичик инновацион корхоналар иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделини шакллантириш асоси сифатида эътироф этила бошланди. Бу турдаги корхоналар ҳозирда Япония ялпи ички маҳсулотининг 52фоизни етказиб беради. Венчур бизнесини молиялаштиришда Японияда хусусий капитал билан биргаликда давлат ҳам фаол қатнашади.

Баъзида юқори технологияли саноатда инновациялар диффузиясига эришиш учун давлат томонидан янги корпорациялар ташкил этилади. Йирик шаҳарларда биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорининг мавжудлиги япон венчур бизнесининг тез ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Япон сиёсатининг мақсадларидан бири бу кичик, лекин бозор талабига эгилувчан инновацион корхоналарни яратиш ҳисобланади. Бу корхоналарда янги технологияларни ва янги маҳсулотларнинг яратилиши тор ихтисослик орқали амалга оширилади. Охириги йилларда Япония илмий-техник ишланмаларга инвестициялар бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Инновацияларга инвестицияларни асосан йирик молия-саноат гуруҳлари ва хусусий сектор амалга оширади.

Лекин АҚШ, Япония ва Буюк Британиядан фарқли равишда кўпгина Европа давлатларида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели бошқача кўринишда, шу жумладан, венчур капитали ҳам. Масалан, Франция ва Германияда инновациялар яратиш бўйича кўпчилик тадқиқотларни йирик корхоналаргина ўз зиммасига олади. Улар инновацион жараёнларнинг барча техник босқичларини ўзлари назорат қилади. Аввалига, Германияда юқори технологияларни ривожлантириш АҚШ тажрибасига асосланиб йирик технологик дастурлар орқали амалга оширилди. Бунда АҚШ, Франция, Япония ва Буюк Британиянинг инкубаторлар ва илмий технологик парклар яратиш бўйича тажрибаси қўлланилган. 1980 йиллардан бошлаб Германияда аста-секин кичик шаҳарларда инновацион жамғармалар ташкил этила бошланди ва инновацион фаолият йирик корхоналардан кичик ва ўрта корхоналарга кўча бошлади. Бу турдаги кичик инновацион жамғармалар давлат кўмаги ва қизиқиш билдирган хусусий сектор

ёрдамида тузилган.

Мисли кўрилмаган даражада иқтисодий ўсиш Жанубий Кореяда кузатилмоқда. 1976 йилдан 2006 йилгача Кореяда ўртача ЯИМнинг ўсиши 9фоизни ташкил этди. Қисқа муддатда Жанубий Корея колоқ давлатдан юқори технологияларни ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи марказга айланди. Жанубий Кореянинг бундай ютуққа эришишида илмий-техник салоҳиятнинг кучайиши асосий омил сифатида эътироф этилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларнинг венчур тадбиркорлик фаолиятини ўрганишлар натижалари шуни кўрсатдики, бу фаолият тури иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели сифатини соҳани тубдан ўзгартириши, уни инвестиция билан таъминлаши, пировард натижада иқтисодий ўсишга олиб келиши ва инвестиция тақчиллигини бартараф этиши мумкин

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги “Республика худудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 606-сон Қарори.
3. Карриева Я.К. Инновацион логистика. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT, 2019.
4. Мирзаев Қ.Ж., Шавқиев Э.Ш., Жанзаков Б.К. Инновацион иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2020.
5. Нормуродов У.Н., Рахимов З.К., Шавқиев Э.Ш. Ўзбекистонда савдо хизматларини инновацион ривожлантириш истикболлари. Монография. – Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.
6. Рўзиева Д.И. Кичик бизнесни инвестициялаш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. <https://cyberleninka.ru/article/n/kichik-biznesniinvestitsiyalash-b-yicha-horizh-tazhribasi-va-uning-ziga-hos-hususi>
7. <https://www.statista.com/chart/19312/most-innovative-economies-in-the-world/>
8. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
9. Мирзаева Ш. Н. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 46-56.
10. Nodirovna, M. S. . (2023). Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan. Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education, 2(6), 21–30. Retrieved from <http://univerpubl.com/index.php/semantic/article/view/1910>
11. Mirzaeva Shirin Nodirovna. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women. WEB OF SYNERGY: International Interdisciplinary Research Journal Volume2, Issue 5 Year2023 ISSN:2835-3013 <https://univerpubl.com/index.php/synergy>

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=PWEi6dQAAAAJ&sortBy=pubdate&citation_for_view=PWEi6dQAAAAJ:dhFuZR0502QC

12. Saidakhmedovich S. T., Nodirovna M. S. The State of Implementation of Innovative Projects in the Service Sector in Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – T. 2. – №. 5. – С. 375-391.
13. Nodirovna M. S. Creation of an Additional Product in the Service Process in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 635-643.
14. Nodirovna M. S. Problems of Development of the Service Sector in the Context of Digital Changes in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 626-634.
15. Мирзаева Ш. Н. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 662-671.
16. Nodirovna M. S. Improving the Mechanisms For Managing Service Processes in Service Enterprises in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 644-652.
17. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 36. – С. 27-45.
18. Nodirovna M. S. Developing Rural Services and Increasing the Living Standards of the Population in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 653-661.
19. Nodirovna M. S. The Current State of Activity and State Policy in the Field of Economic Development of Service Sector Entities in the Republic of Uzbekistan //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – T. 2. – №. 5. – С. 218-226.
20. Baxtiyorovna M. G., Abdukhalilovich S. S., Nodirovna M. S. Directions of Improvement of the Mechanism of State Support of Business Entities //Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress. – 2023. – T. 2. – №. 4. – С. 1-7.
21. Azizbek A. et al. Economics of Service Providing Enterprises Concept of Authority //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – T. 2. – №. 5. – С. 366-374.
22. Nodirovna M. S. Developing Rural Services and Increasing the Living Standards of the Population in the Republic of Uzbekistan //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – T. 35. – С. 653-661.
23. Nodirovna M. S. ESTABLISHMENT AND MAINTENANCE OF CENTRALIZED SERVICE AGENCIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – T. 11. – №. 1. – С. 631-637.
24. Boliboev A. A. et al. METHODS OF PLANNING PRODUCTION PROCESSES //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 24. – С. 961-964.
25. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 23. – С. 29-37.
26. Yazdonov Q. G., Ubaydullayev B. S., Mirzaeva S. N. THE PROBLEM OF ORGANIZING THE WORKPLACE AT THE ENTERPRISE //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 24. – С. 982-985.
27. Djaborovna P. D. et al. Opportunities for Small Business and Private Entrepreneurship Development in Rural Areas //American Journal of Economics and Business Management. – 2022. – T. 5. – №. 6. – С. 141-145.

28. Boliboev A. A. et al. METHODS OF PLANNING PRODUCTION PROCESSES //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 961-964.
29. Nodirovna M. S., Ugli S. T. T., Abduazizovich A. I. WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF GOVERNMENT SERVICES IN THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION IN UZBEKISTAN //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 23. – С. 29-37.
30. Мирзаева Ш. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 428-438.
31. Nodirovna M. S., Ta'nakulovich T. K., Baxtiyorovich S. J. WAYS TO IMPROVE THE EFFICIENCY OF MEDICAL SERVICES IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 22. – С. 182-186.
32. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
33. Mirzaeva S. N. Ways to Increase Investment Potential in Samarkand Region //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 2. – С. 471-476.
34. Шарипов Т. С., Мирзаева Ш. Н. СОСТОЯНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В СФЕРЕ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ //Gospodarka i Innowacje. – 2023. – Т. 36. – С. 27-45.
35. Nodirovna M. S. Foreign Experience in Supporting Entrepreneurship and Business Activity of Women //Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 654-665.
36. Nodirovna M. S. Banks and Development of Banking Services in the Republic of Uzbekistan //Web of Semantic: Universal Journal on Innovative Education. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 21-30.
37. Qarshieva M. S. N. C. M., Shaptakov J. U. The Composition of the Income of Service Workers and Ways of its Improvement (On the Example of Educational Institutions) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – Т. 4.
38. Nodirovna M. S. FOREIGN TO THE SECTORS OF ECONOMY OF UZBEKISTAN ATTRACTING INVESTMENTS.
39. Сидоров В. А., Турсунов И. Э., Шарипов Т. С. ЭКОНОМИКА ИННОВАЦИЙ: ПРОБЛЕМА ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОРЫВА //НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. – С. 22.
40. Абдукаримов Б. А. Ички савдо иқтисодиёти //Т.:«Фан ва технология», II. – 2014. – Т. 2008. – С. 224.
41. Шарипов Т. С., Абдукаримов Б. А. Умумий овқатланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография //Тошкент: Иқтисодиёт. – 2011.
42. Абдукаримов Б. А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма //Т.: Иқтисод-молия. – 2016. – Т. 504.
43. Sharipov T. S., Uroкова M. G. Sustainable Directions of Employment Relations in the Service Service in Uzbekistan //JournalNX. – С. 503-506.
44. Saidahmedovich S. T. THE CONCEPT OF MANAGEMENT IN ENTERPRISE MANAGEMENT AND ITS SPECIFICITY Kilichova Orzigul Zafar kizi Student Samarkand Institute of Economics and Service.

45. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8879244538802359659&btnI=1&hl=ru>
46. Mirzayeva S. N. Prospects for the Development of Small Business and Entrepreneurship in the Digital Economy //American Journal of Economics and Business Management. – Т. 5. – С. 3.
47. Махмудов Л. У. Тадбиркорлик соҳасида электрон тижоратнинг туган ўрни //Иновацион технологиялар. – 2020. – №. 2 (38). – С. 77-82.
48. Ubaydulloqlu M. L. Improving the Innovation Management System in E-Commerce //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 257-262.
49. Makhmudov L. E-commerce taxation procedure: international and national standards //Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19). – 2020. – Т. 1. – №. 03. – С. 60-75.
50. Abdurkarimov M. F., Kritskov L. V. Boundary control problem for the one-dimensional Klein-Gordon-Fock equation with a variable coefficient. The case of control by displacement at one endpoint with the other endpoint being fixed //Differential equations. – 2013. – Т. 49. – С. 731-743.
51. Kritskov L. V., Abdurkarimov M. F. Boundary control of the displacement at one end with the other end free for a process described by the telegraph equation with a variable coefficient //Doklady Mathematics. – Springer US, 2013. – Т. 87. – С. 351-353.
52. Abdurkarimov M. F. On optimal boundary control of displacements in the process of forced vibrations on both ends of a string //Dokl. Akad. Nauk Resp. Tadjikistan. – 2013. – Т. 56. – №. 8. – С. 612-618.
53. Абдукаримов Б. А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (дарслик) //Т.: Фан. – 2005.
54. Абдукаримов Ф. Б. А. САВДО ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ //Журнал Иновации в Экономике. – 2021. – Т. 4. – №. 11.
55. Абдукаримов Б. А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма //Т.: Иқтисодиолия. – 2016. – Т. 504.
56. Abdurkarimov M. F. Optimal boundary control of forced vibrations by the displacement at one end of the string with the other end fixed //Differential Equations. – 2014. – Т. 50. – С. 677-688.
57. Abdurkarimov F. B. RESEARCH AND SYSTEMATIZATION OF TRADE SERVICES SERVES TO IMPROVE THE COUNTRY'S ECONOMY IN THE CORONAVIRUS PANDEMY PERIOD //Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. – 2021. – Т. 1. – №. 1.1 Economical sciences.
58. Abdurkarimov F. B. THE ROLE OF TRADING SERVICES IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY //Economics and Innovative Technologies. – 2021. – Т. 2021. – №. 6. – С. 1.
59. Abdurkarimov M. F. On a Boundary Control Problem for Forced String Os-cillations. – 2012.
60. Абдукаримов Ф. Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида) //Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд: СамИСИ. – 2011. – Т. 156.
61. Pulatov M. INTELLECTUAL PROPERTY PARAMETERS OF FINANCIAL REPORTING. – 2016.
62. Pulatov, M. (2016). INTELLECTUAL PROPERTY PARAMETERS OF FINANCIAL REPORTING.

63. Махмудов Л. У. Тадбиркорлик соҳасида электрон тижоратнинг туган ўрни //Иновацион технологиялар. – 2020. – №. 2 (38). – С. 77-82.
64. Ubaydullooglu M. L. Improving the Innovation Management System in E-Commerce //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 257-262.
65. Makhmudov L. E-commerce taxation procedure: international and national standards //Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19). – 2020. – Т. 1. – №. 03. – С. 60-75.
66. Kuziboyeva O., Haydarov J. FELINE RHINOTRACHEITIS IN THE POPULATION DISEASE SPREAD //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 284-286.
67. Negmatova K. et al. Effective Composite Chemical Reagents Based on Organic and Inorganic Ingredients for Drilling Fluids Used in the Process of Drilling Oil Wells //Advanced Materials Research. – 2012. – Т. 413. – С. 544-547.
68. Qizi B. D. F. Analysis of the Influence of the Investment Environmental Attractiveness on the Socio-Economic Development of Regions (On the Example Of Navoi Region) //Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 131-141.